



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 22 июнь, № 126 (7084)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ХУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 21 июнь куни тармоқлар ва ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш натижалари таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда инвестиция муҳити яхшилانгани натижасида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга тўғридан-тўғри сармоялар фаол кириб келмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг беш ойида 776 та янги қўшма ва хорижий корхона рўйхатдан ўтказилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 496 тага кўпдир. Шунингдек, жорий йилда хорижий инвестициялар иштирокида 377 та ҳудудий ва 148 та тармоқ лойиҳалари бажарилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини енгиллаштириш долзарб масала эканини таъкидлади.

Президентимизнинг жорий йил 20 июнда қабул қилинган Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори шу мақсадга хизмат қилади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, бундан буюб Президент ва ҳукумат қарорлари асосида амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишда тўлов олинмайди.

Шу билан бирга, Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, ҳукумат кафолатлаган кредитлар ҳисобидан товарларни давлат учун харид қилиш бўйича тендер ҳужжатлари ва импорт шартномаларини экспертиза қилишда ҳам ҳақ тўланмайди. Дастлабки ва якуний техник-иқтисодий асосларни комплекс экспертиза қилиш учун тўланадиган тўлов миқдори 4 баробаргача қисқартирилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобига амалга ошириладиган ёки бир босқичли лойиҳалар бўйича молиявий-иқтисодий ҳисобот ишлаб чиқиш талаби бекор қилинди.

Президентимиз қарорда белгиланган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича ҳужжатлар тайёрлаш, экспертиза қилиш ҳамда тасдиқлашнинг янги, янада соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

Жорий йил учун тасдиқланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари рўйхатида қиритилган, бажарилишида сусткашликка йўл қўйилган ҳар бир лойиҳани жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди. Кишлоқ ва шаҳарларда арзон уй-жойлар, ичимлик суви тармоқлари ва бошқа ижтимоий объектлар қуришни молия-

лаштириш ҳамда ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 2 минг 44 та ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўзда тутилган. Уларнинг аксариятида қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган. Молиялаштириш ишлари кечикаётган объектларда ишларни тезлаштириш зарурлиги қайд қилинди. Шунингдек, йиғилишда 16 объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш якунланмагани, 70 объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилмагани, 248 лойиҳани амалга ошириш юзасидан пудрат ташкилотлари аниқланмагани танқид қилинди.

Йиғилишда яна бир муҳим масала — қишлоқ жойларда намунавий арзон уй-жойлар қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда жами 22 минг 145 та намунавий уй, жумладан, ҳудудий ижро органлари раҳбарлари учун 974 та, профилактика инспекторлари учун 1 минг 171 хизмат уйини қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Президентимиз бу борадаги ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Шаҳарларда арзон кўп

қаватли тураржойлар қуриш ишларини ҳам жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга таширлар якунларига кўра ишлаб чиқилган 2018-2019 йилларда ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурлари доирасида 6 минг 317 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Бунинг натижасида жами 219 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бу лойиҳалар учун жой ажратиш, инфратузилма тармоқларига улаш ишларини ўз вақтида ҳал қилиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Президентимиз инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самаралаништириш таъминлаш — барча даражадаги раҳбарларнинг энг муҳим вазифаси эканини алоҳида таъкидлади.

Хорижий давлатларга таширлар ва музокаралар натижасида қиймати 17 миллиард доллар бўлган 182 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш тўғрисида бирламчи келишувга эришилган. Ушбу инвестицияларни ўзлаштириш бизнес-режа ва техник-иқтисодий асосларни тайёрлаш билан боғлиқ. Шу боис бу борадаги ишларни жадаллаштириш, хорижий инвестицияларни истиқболли лойиҳаларга йўналтириш ва юқори самарадорликка эришиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Кенг имкониятлари бўлишига қарамай, Бухоро вилоятида хорижий инвестициялар иштирокида 10 та лойиҳа, Навоийда 9 та,

Қашқадарёда атиги 1 лойиҳа амалга оширилмоқда. Айниқса, Қашқадарёда 13 туманда, Фарғонада 11, Сурхондарёда 10, Тошкент, Бухоро, Жиззах вилоятларида 8 тадан, Хоразм, Навоий вилоятларида 7 тадан, Қорақалпоғистон ва Самарқандда 6 тадан, Андижон ва Сирдарёда 5 тадан, Наманган вилоятида 4 та туманда хорижий инвестиция иштирокида бирорта ҳам лойиҳа режалаштирилмагани танқид остига олинди.

Шунинг учун бу ишларни кескин фаоллаштириш лозим. Инвестиция қўмитасининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари хорижий инвестицияларни олиб келиши ва хорижий инвесторларга барча масала бўйича амалий кўмак бериши керак. Шунингдек, туман ва шаҳар ҳокимлари, секторлар раҳбарларининг ҳар бири ўз ҳудудига тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этишга ҳисса қўиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Лойиҳаларни амалга оширишнинг барча жараёнини тўлиқ қамраб оладиган, уни тайёрлашдан то ишга туширишгача бўлган даврни мониторинг қилиш имконини берадиган ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш юзасидан вазифалар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди. Инвестиция тақлифларини шакллантириш, инвесторлар топиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш, молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича қатор топшириқлар берилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқаро муносабатлар соҳасида дипломатик, бошқарув кадрларини ва мутахассисларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, улар малакасини ошириш тизимининг самарадорлигини тубдан ошириш, мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолиятини илмий-методологик ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5400-сонли Фармони ижроси юзасидан:

1. Белгилаб қўйилсинки, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимига қиради ҳамда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, юқори даражада фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайдиган асосий олий таълим муассасаси ҳисобланади:

халқаро иқтисодиёт ва менежмент; халқаро муносабатлар ва сиёсий фанлар; халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ; гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти. 2. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин: илгор хорижий тажрибадан, шу жумладан, замонавий инновацион педагогик технологиялар ва илмий ишланмалардан фойдаланиш, мамлакатдаги таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш асосида республика ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолияти соҳасида халқаро мутахассисларни тайёрлашнинг юқори сифатини таъминлаш; талабаларнинг мустақил тайёргарлик кўришини чуқурлаштириш, уларда таҳлилий фикрлашни, мустақкам касбий кўникмаларни, юксак маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш таъминлайдиган ўқув режалари ва дастурларининг амалий мазмунини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда бошқа соҳавий вазирлик ва идораларнинг доимий янгиланиб турадиган истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида халқаро соҳадаги кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

(Давоми 2-бетда).

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТУБДАН ЯНГИЛАНАДИ, ЖАМИЯТДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ОБРЎСИ ОШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқ таълими тизимини тубдан ўзгартириш, уни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш борасида қўйилган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов бошқарган йиғилишда халқ таълими тизимидаги ўрганишлар натижалари таҳлил этилиб, Президентимиз соҳанинг ҳозирги аҳолидан умуман қониқмаётгани, тегишли топшириқлар берилганига қарамай сезиларли ўзгариш бўлмагани танқид остига олинди. Шунинг учун тизимнинг асосий раҳбарлари ўз лавозимларидан озод қилингани қайд этилди.

Таълим тизими ҳодимларининг турли жамоат ишларида “дастёр”га айлантирилгани уларнинг иш сифатига салбий таъсир кўрсат-

ди. Давлатимиз раҳбари томонидан мажбурий меҳнатни тақкилаш бўйича тегишли ҳужжатлар қабул қилинганига қарамай, жойлардаги айрим мансабдор шахслар ҳамон бу “ҳумор”дан воз кеча олмаётгани аччиқ ҳақиқат.

Йиғилишда эндиликда бундай ҳолатларга батамом чек қўйилиши, бу каби қилмишни содир этган шахслар жиноий жавобгарликка бўлган жазога тортилиши мумкинлиги таъкидланди.

(Давоми 3-бетда).

ДУНЁ НИГОҲИ



«АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛИШИДА ҚАЙСИ ДАВЛАТ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ? ШУБҲАСИЗ, ЎЗБЕКИСТОН!»

АЙНАН ШУ МАЗМУНДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР
ХОРИЖНИНГ КЎПЛАБ ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИДА БОШ МАВЗУГА АЙЛАНДИ.

Яқинда мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тарқатилган расмий баёнот Ўзбекистон — Афғонистон муносабатларига қизиқишнинг янада ортишига сабаб бўлди.



Америка Қўшма Штатларининг “US News” ахборот агентлиги ушбу мавзуда чоп этган мақолада

«Ўттиз икки миллиондан ортиқ аҳоли ҳамда минтақанинг барча давлати билан чегарага эга Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ташқи дунёга очилиш ва халқаро ҳам-жамият билан алоқаларни мутлақо янги тусда қуришга интиломоқда»,

дейилади. Мазкур “янги раҳ” расмий Тошкентнинг Афғонистонга нисбатан сиёсатида ҳам намён бўлаётганини таъкидлаб экан, америкалик журналистлар жорий йилнинг март ойида республикамиз пойтахтида Афғонистон бўйича юқори даражада халқаро конференция уюштирилганини эслатиб ўтади.

Буюк Британиянинг “Reuters” ахборот агентлиги материалида эса Тошкентда март ойида ўтказилган анжумандан сўнг ўзбек дипломатияси Афғонистон йўналишидаги чора-тадбирларини сезиларли даражада фаоллаштириганини эътироф этди.

Эътиборлиси шундаки, британиялик мухбирларнинг фикрича, республика ўз ҳудудини афғон ҳукумати ҳамда “Толибон” ҳаракати ўртасида музокараларни ўтказиш учун майдон сифатида тақдир қилиш билан чекланиб қолмай, толибон билан ҳам алоқалар ўрнатилган муваффақ бўлди. Бу низоҳатда катта ютуқ ҳисобланиб, томонлар айнаан ўзбек дипломатиясига ишонч билдирганидан далолат беради.

(Давоми 3-бетда).



Президент таширифидан сўнг...

КОРХОНА ЙИРИК ШАҲАРЛАРДА МАРКАЗЛАРИНИ ОЧАДИ



Президентимиз жорий йилнинг 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлиб, ҳудудда амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик жараёни билан танишди ҳамда қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик ва бошқа соҳа вакиллари билан учрашди. Хусусан, Марғилон шаҳридаги “Narimteks” қўшма корхонаси жамоаси аъзоларига бу таширф катта қувонч бағишлади, уларни янги марралар сари руҳлантирди.

Мазкур қўшма корхона бундан 10 йил илгари ташкил этилган. Айни кунда бу ерда аёлларнинг 20 турдан ортиқ либослари мингга яқин моделда “Eliff”, “Carlota-S” ва “Molto Caldo” савдо белгилари остида ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисми Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия ҳамда Исроил давлатларига экспорт қилинапти.

Бу ерда 2008 йилда оддий тикув машиналарида иш бошланган бўлса, кейинги йилларда юртимизда тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва преференциялар корхона ривожига кенг йўл очди. Хусусан, 2012 — 2015 йилларда хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ модернизациялаштирилди. Замонавий бичиш-тўқиш, безак ҳамда тикув машиналари олиб келиб ўрнатилди. Натижада корхона пальто, куртка, пиджак, костюм каби маҳсулотлари билан истеъмол бозорида мустақкам ўрин эгаллади.

(Давоми 3-бетда).



СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ депутатлар ва жамоатчилик назоратида

“Йил йилга ўхшамайди”, дейди кексалар. Айниқса, жорий йилнинг қурғоқчил келиши деҳқонларимизни жиддий синовдан ўтказиб, сувдан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда.

Бошқача айтганда, бу йил том маънода сувнинг ҳар қатраси зарга тенг эканини, ундан заргарона

фойдаланиш зарурлигини кўрсатди. Мамлакатимиз Президенти жорий йилнинг 29 май куни бўлиб

ўтган видеоселектор йиғилишида сув танқислиги масаласига тўхта-



ларкан, ҳар бир раҳбар ва фукародан омилкорлик билан иш

кўриш, сув танқислиги асоратларининг олдини олишга деҳқон ҳамда фермерга кўмакдош бўлиш лозимлигини қатъий таъкидлаган эди.

Шу асосда айни пайтда Олий Махлис Қонунчилик палатасининг

ишчи гуруҳлари барча ҳудудда бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам қизғин фаолият юритиб, қишлоқ хўжалигида сувдан оқилон фойдаланиш, сув танқислиги оқиёатларини юмшатиш, ғўзада кафолатли ҳосил яратиш борасида депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатган ҳолда, деҳқон ҳамда фермерларга яқиндан ёрдам бермоқда.

(Давоми 3-бетда).

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТУБДАН ЯНГИЛАНАДИ, ЖАМИЯТДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ОБРЎСИ ОШАДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўқитувчиларнинг ишлаши учун зарур шароитларни таъминлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, етарли маблағ билан таъминланмагани уларнинг обрўси тушишга олиб келди. Бу эса яхши кадрлар, айниқса, эркак муаллимларнинг соҳани тарк этишига сабаб бўлди. Оқибатда таълим ва тарбиядаги олтин ҳалқага путур етди.

Таъкидланганидек, эндиликда ўқитувчиларни муносиб рағбатлантириш, маошини ошириш чоралари кўрилади. Аммо бу жараён бир кунда бўладиган иш эмас, босқичма-босқич амалга оширилади. Хусусан, ўқитувчиларнинг зарур шароитда ишлаши учун мактаблар инфратузилмаси яхшиланади, янги мактаблар бунёд этилади. Бу, ўз навбатида, малакали кадрлар, айниқса, эркак ўқитувчиларни мактабга жалб этишга яна имкон бериши шубҳасиз.

Ўқитувчининг асосий вазифаси таълим бериш. Афсуски, ўтган давр мобайнида бу ҳаётий манتيққа путур етди. Шу пайтгача уларни жамоат ишларига мажбурий жалб этишдан ташқари, тез-тез мажлисларга чақириш, турли қўғозларни тўлдирishга мажбурлаш амалиёти ишлаб келди. Натижада жафокаш

ўқитувчининг ўз билим ва кўникмасини оширишга, замонавий таълим тизимида жорий этилган англиклардан хабардор бўлишга вақти бўлмади.

Бош вазир бундай ачинарли ҳолатга Халқ таълими вазирлигига ташинланган янги раҳбарлар чек қўйиши зарурлигини таъкидлади. Бу борада янги вазир Ш. Шерматовга зарур топшириқлар берилди.

Видеоселекторда мактаблар бевосита Халқ таълими вазирлиги томонидан қўйилган вазифаларни бажариши, ҳокимлар ёки бошқа мансабдор шахслар таълим тизимига ўз ҳукмини ўтказишига йўл қўйилмаслиги, тизим ходимларини мажлисларга чақириш амалиётидан воз кечилиши қайд этилди.

Айни пайтда мамлакатимиз мактабларида 6 миллион бола таълим олмакда. Улар ҳар жихатдан билимли, етук бўлсагина орзуимиздаги келажакка эга бўлаемиз.

Ийгилишда таъкидланганидек, таълим тизими инфраструктураси замон талабларига мувофиқ тубдан ўзгартирилади, таъбир жоиз бўлса, бутунлай янгиланади. Бу борада халқ таълими вазири Шерзод Шерматов, унинг ўринбосари вазифасини бажарувчилар — Сарвар Бобоҳўжаев, Алишер Умаров, Отабек Назировга тегишли топшириқлар берилади. Бу, албатта,

Эндиликда таълим тизимига ажсини оширишга, замонавий таълим тизимида жорий этилган англиклардан хабардор бўлишга вақти бўлмади.

Ийгилишда таълимдаги энг муҳим манба — дарсликлардаги муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Дарслик сифатли, тушунарли бўлиб, фан жойибасини очиб беришга хизмат қилса, бу асосий мақсадга эришishнинг бош омилдир.

Кейинги йилларда дарсликлар моҳияти эмас, унинг муаллифларига асосий эътибор қаратилган. Бунда бош мезон “фалончининг таниши ёзган дарслик” бўлиб ўлчангани ғоят ачинарлидир. Вазият шу даражага етдики, мутахассисларни қўя турайлик, ҳатто зукко мактаб ўқувчилари ҳам дарсликлардан хато топа бошлади.

Коллаверса, дарсликларни 2-3 йилга бормай янгидан нашр этишга қанчадан-қанча маблағ сарфланган. Ҳолбуки, аниқ фанлар — математика, физика, кимё каби дарсликлардаги қонунлар ўзгармасдир. Уларни ҳар хил йўсинда талқин қилиб, қайта-қайта нашр этишдан мақсад аён. Бу, албатта,

муаллиф ва ноширлар манфаатига хизмат қилгани сир эмас.

Ийгилишда халқаро стандартларга мос дарсликларни яратишга эътибор қаратилди. Бу борада зарур топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда мактаблар ин-фратузилмасини замон талабларига мувофиқлаштириш ҳам муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Таъкидланганидек, аксарият мактаблар 2 ёки 3 қават қилиб қурилган. Ҳолбуки, уларни 4 ёки 5 қават қилиб қуришга ҳеч нарса монелик қилмайди. Аксинча, мактабда шарт-шароит яхшиланиши, фан кабинетлари ташкил этиш, кўпроқ ўқувчиларни қамраб олиш имконини беради. Бундай имкониятдан фойдаланмаслик эвазига қўлаб ҳудудларда болалар ўз сменда ўқимоқда.

Ийгилишда “Намунавий мактаб” лойиҳасида, аввало, мактаб биноларининг ўқувчилар учун ҳар томонлама қулай ва фойдали бўлишига эътибор қаратилиши зарурлиги айtilди.

Мактабларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун ички имкониятлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бу борада пойтахтимизнинг Сергели туманидаги мактаблардан биридаги ибратли тахрибга тилга олинди. Гап шундаки, мактабда ўқувчилар боғи яратилган бўлиб, унда ҳар бир ўқувчининг ўз дарахти бор. Ўқувчи ўз дарахтининг

ўсиши учун жон куйдиради, унга вақтида сув қуюди. Бу бола тарбиясида муҳим ўрин тутиб, унда табиатга меҳр уйғотиши билан бирга, зиммасида масъулият ҳисси ошишга ёрдам беради. Боғлардан келадиган фойда эса мактаб, ўқувчилар манфаатига хизмат қилса, нур устига аъло нурдир.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчининг обрўсини ошириш борасида зарур топшириқлар берар экан, “Ўқитувчини ҳурмат қилмагани мен ҳам ҳурмат қилмайман”, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, ўқитувчи жамиятдаги энг обрўли касб эгаси бўлиши шарт. Бунинг учун барча чора қўрилади. Зеро, жаҳондаги энг ривожланган давлатлардан ҳисобланган Япония, Сингапурда айнан шундай ёндашув тўғайли улар жадал тараққий этган.

Ийгилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда видеоқонференцалоқа тизими орқали иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда тегишли ташкилотлар масъул ходимларига қўрилган масалалар юзасидан зарур топшириқлар берилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири.

«Beauty Expo Uzbekistan» — гўзаллик саноати намойиши

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида XIV “Beauty Expo Uzbekistan — 2018” халқаро гўзаллик саноати кўргазмаси очилди.

“Expo Position” масъуляти чекланган жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур кўргазмада Германия, Франция, Италия, Польша, Украина, Россия, Туркия, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Хитой каби ўн бешдан ортиқ мамлакатлардан 60 дан зиёд компаниялар ўз маҳсулотлари, косметологик хизматлари, гўзаллик салонлари учун мўлжалланган асбоб-ускуналарни намойиш қилмоқда.

КЎРГАЗМА



Тадбирнинг очилишида юртимизда аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш, айниқса, хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишга

қаратилган амалий чора-тадбирлар эътироф этилди. Дарҳақиқат, республикаимизда тадбиркорлар томонидан аёллар фойдаланадиган буюмлар, гигиеник воситалар ишлаб чиқариш тобора кенгайиб

бораётгани, хотин-қизларга хизмат кўрсатувчи муассасалар, хусусан, гўзаллик салонлари, сартарошхоналар, кичик бизнес субъектлари учун турли имтиёзлар яратилаётгани, соҳа вакиллари иштирокида

уюштирилаётган турли фестивал ва танловлар бу борада муҳим аҳамият касб этапти.

Аънавий ўтказиб келинаётган “Beauty Expo Uzbekistan” кўргазмаси ҳам гўзаллик саноати соҳасидаги ютуқларни намойиш қилиш, даволаш косметикасининг табиий усулларига аҳоли эътиборини жалб этиш, табиий маҳсулотлар асосида яратилган пардоз маҳсулотларини кўпайтириш, соҳа мутахассисларининг ўзаро фикр ва тахрибга алмашishiга имкон яратмоқда.

Кўргазмадан жаҳонга машҳур брендларга эга компаниялар маҳсулотлари билан бирга, юртимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дориалар, биологик фаол моддалар, фармацевтик препаратлар, фитотерапия, эфир майлари, совунлар, гигиеник воситалар, безак косметикаси, атторлик буюмлари ҳам ўрин олган.

— Миллий компанияларимиз тақдим этаётган шифобахш чой, витамин ҳамда минералларга тўйинтирилган дамламалар жуда манзур бўлди, — дейди тадбир

катнашчиси Дилором Халилова. — Улар маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқарилган, тегишли тартибда лаборатория текширувларидан ўтган, сифати юқори. Бундай маҳсулотлар саломатлиқни мустаҳкамлайди, айниқса, аёллар учун кони фойда.

Бу йилги тадбирнинг яна бир ҳим жиҳати шундаки, унда болалар учун бўёқ ва қўшимчаларсиз, экологик тоза даволаш воситалари, гўдаклар қундалик парварishi учун зарур маҳсулотларга ҳам жой ажратилган.

Кўргазма доирасида оналик ҳамда болалик — “Kinder Expo Uzbekistan” тақдими, косметология ва эстетик тиббиёт бўйича маҳорат сабоқлари ҳамда семинар-тренинглр, сартарошлик санъати бўйича Ўзбекистон чемпионати, тирноқ дизайни ва пардозлик бўйича “Ипак йўли” республика танлови ҳам ўтказилди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Динара ЧИРКОВА олган сурат.

АНЖУМАН

Давлат харидлари бўйича ягона ахборот портали — xarid.uzнинг қарийб бир ойлик фаолияти давомида умумий қиймати 12,5 миллиард сўмлик 5 мингдан зиёд шартномалар тузилди.

Электрон тижоратнинг илғор биржа модели

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” акциядорлик жамияти томонидан “Давлат харидлари бўйича ягона ахборот портали — электрон тижоратнинг янги биржа модели” мавзусида ташкил қилинган анжуманда ана шу ҳақда маълумот берилди.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, “ЎЗРТХБ” АЖ мазкур порталнинг оператори этиб тайинланган. Шу маънода, у порталнинг узулсиз ишлаши, маълумотлар сақланиши, шунингдек, техник жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа давлат органларининг маълумотлар базаси билан ўзаро боғлаш тадбирларига масъулдир.

— Электрон тижоратнинг B2G модели ҳисобланмиш мазкур порталда иккита савдо тури мавжуд, — дейди “ЎЗРТХБ” АЖ Электрон тижорат ва харидларни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари Зилола Шералиева. — Булар нархлар пасайишга йўналтирилган аукцион савдолар ва электрон дўкандир. Айни пайтда электрон аукционда 7 мингдан ортиқ давлат буюртмалари, электрон дўкonda эса қарийб 16 мингта товар ҳамда хизматлар жойлаштирилган бўлиб, тузилаётган шартномалар кун сайин қўпаймоқда. Чунки ушбу савдо майдончаси катнашиш учун жуда қулай. Бунинг учун буюртмачилар ва етказиб берувчилар биржанинг расмий веб-

сайтида рўйхатдан ўтиб, харид бошлангич нарҳининг 3 фоизи миқдоридида закалат, комиссия оийимларни қоплаш учун эса шартнома нарҳининг 0,15 фоизи миқдоридидаги маблагни гаров сифатида киритадилар, холос. Айтиш жоизки, xarid.uz электрон тизими ишга тушганга ҳали кўп бўлмаса-да, жадал оммалашмоқда. Бугунги кунгача 30 мингдан зиёд бюджет ташкилотлари, 1,5 мингдан кўпроқ корпоратив буюртмачилар, қолаверса, асосий қисми тадбиркорлик субъектларидан иборат 9 мингга яқин етказиб берувчилар рўйхатдан ўтказилди.

Электрон дўкonda бюджет ҳамда корпоратив буюртмачилар талабгорнинг тақлифлари орасидан зарур лотни танлаб, нарх сўраш механизминини фаоллаштириди. Кейинги 48 соат мобайнида етказиб берувчилар ҳудди шундай товарга ўз нарх тақлифларини тизимга киритадилар. Савдо гоилиб электрон тизимга киритилган нарх тақлифларини солиштирган ҳолда, автоматик режимида аниқланади. Электрон аукцион эса 10 кун ичида амалга оширилади. Унда камида икки номзод иштирок этган тақдирда ўтказилган, деб ҳисобланади.

Анжуманда савдонинг янги усулида ҳисоб-китоб тизими, товарларни етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш тартиб-таомиллари, бу жараёнда муаммолар юзгага келганда, уларнинг ечими ҳақида мутахассислар томонидан батафсил маълумот берилди.

Самд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

депутатлар ва жамоатчилик назоратида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Давлатимиз раҳбари белгиллаган вазифалар ижросини таъминлаш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясида Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида қўриб чиқилиб, вилоятда қишлоқ ҳўжалигидаги обихаётдан оқилона фойдаланиш, сув танқислиги оқибатларини юмшатиш, гўзадан қафоллати ҳосил яратишнинг қўшимча чора-тадбирлари белгилаб олинди, — дейди халқ депутати Навоий вилояти Кенгашининг аграр, сув ҳўжалиги ва экология масалалари доимий комиссияси раиси Алижон Жалилов. — Бунда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг вазифалари ҳам алоҳида белгиланб, ҳар бир туман кесимида ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқланди ҳамда улар айни пайтда жойларда изчил фаолият олиб борапти.

Таъкидлаш жоиз, гўзани сувга қондириш оралигини чўзиш мақсадида деҳқонлар-

нинг агротехник тахрибаларидан кенг фойдаланилмоқда.

— Тахрибали деҳқонларимиз култивациячини обитобидида қилиш суғориш оралигини чўзишда муҳим омил эканини билдиришди, — дейди парламент қўйи палатаси депутати Аҳад Аҳмедов. — Шу боис ақинда вилоятдаги пахта майдонларини чўқур юмшатиш, майда чопикдан ўтказиш, суспензия сепиш, зараркунандаларга қарши курашиш тадбирлари ўтказилди. Натижада тупроқ қиздирилиши билан бирга, ҳаво алмашинувни яхшиланб, гўза ривож таъминланмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, вилоятдаги 131 минг 840 гектар экин майдонини июнь — август ойларида суғориш учун 1 миллиард 238 миллион кубометр сув талаб қилинади. Соҳа мутахассисларининг айтишича, шу даврда вилоят бўйича дарёлардан олиннадиган сув миқдори 1 миллиард 33 миллион кубометрни ташкил этади. Бу эҳтиёждаги нисбатан 205 миллион кубо-

метр ёки 17 фоиз кам демакдир.

Вилоятда қутилаётган сув танқислиги салбий оқибатларини юмшатиш, 39 минг гектар суғориладиган майдоннинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида соҳа ташкилотларининг 1 миллиард 204,5 миллион сўмлик маблағини ўзлаштириш ҳисобига 25 та ҳўжаликлараро каналларнинг 143,4 километр қисмини экскаваторлар ёрдамида тозалаш, бузилиб кетган бетон қопламаларни тиклаш учун 623,5 кубометр бетон ишларини бажариш, 93 та гидротехник иншоотни таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Дастур доирасида давлат ҳисобидидаги 30 та насос станциясининг агрегатлари ва 25 та суғориш қудуғининг насослари алмаштирилди.

Фермер ҳўжаликларининг экин турлари бўйича аниқланган маълумотга асосланиб, ҳар бир қишлоқ ҳўжалиги қорхонаси, шу жумладан, фермер ҳўжаликлари кесимида, биринчи навбатда, муҳим экин турлари,

пахта, аҳоли томорқаси, экспортбop ва такоррий экинларга етказиладиган сув миқдори аниқланди ҳамда 60 кунга режалаштирилган сув етказиб бериш ва суғориш графиги ишлаб чиқилди. Фермер ҳўжаликлари кесимида сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳолати чўқур таҳлил этилиб, ишлаб чиқилган графигини муҳокама қилиш ҳамда тасдиқлаш учун халқ депутатлари туман Кенгашларига тақдим этилди. Сув беришни суғориш тармоғининг энг қуйи қисмидаги фермер ҳўжаликларида бошлаш белгиланди. Сувчилар учун 1263 та уй қурилди.

Натижа ҳам шунга яраша баракалли ва унумли бўлмоқда. Сув ҳўжалиги ходимлари Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорликда далаларни айланиш пайтида мисроблар тунда ҳам сувни исроф қилмай, пайкал оралаб суғораётганларига гувоҳ бўлдилар.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

“Richpeace”, “Jingwei” компаниялари CAD/CAM тизимида, бичиш ишлари тўлиқ автоматлаштирилган “IMA, XIDO” дастгоҳларида амалга оширилади. Тикув цехи Германиянинг “Durkopp Adler AG”, “J.Strobel & Sohne GmbH & Co” ва Япониянинг “JUKI” компанияларида ишлаб чиқарилган тикув ҳамда маҳсус машиналар билан ҳизмоланган.

— Ҳозирги кунда жамоаимизда 150 нафарга яқин ишчи-ҳодимлар меҳнат қилад, — дейди қорхона раҳбари Наргиза Аминова. — Давлатимиз раҳбари биз билан

учрашуви чоғида таъкидлаганидек, хотин-қизларнинг ҳаётга муносиб бўлишида кишини маданиятининг ўрни катта. Либоси ўзига ёқса, аёл кишининг кайфияти яхши бўлади. Бундай чиройли ва бежирим, миллий менталитетимизга мос қиймалар кийган хотин-қизларнинг дунёқараши ҳам кенг бўлади. Биз шу талаблар асосида фаолиятимизни янада кучайтириш ҳаракатидамиз. Яқин келажақдаги асосий максасимиз — мамлакатимиз йирик шаҳарларида намойиш шоҳуспасига эга “шоу-рум” доимий кўргазма залла-

«АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛИШИДА ҚАЙСИ ДАВЛАТ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛЬ ЎЙНАЙДИ? ШУБҲАСИЗ, ЎЗБЕКИСТОН!»

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳиндистоннинг “The Eurasian Times” таҳлилий журналининг навбатдаги сониди махсус мақола чоп этилган бўлиб, унда “Афғонистондаги вазият нихоятда қизиқарли ва янгила тус олаётгани” айтилади. Зеро, шу пайтгача афғон муаммосини ҳал қилиш учун қўлаб савй-ҳаракатлар амалга оширилган бўлса-да, қуролли можаро субъектларининг барчасини қонқирадиган “воситачи” давлат йўқ эди. “Аммо Ўзбекистон мана шундай “оптимал ҳамда ҳолис воситачи” ролини ўйнаяпти”, дейди ҳиндистонлик таҳлилчилар.



“Толибон”нинг юқори мартабали вакиллари Ўзбекистон томони билан учрашшга рози бўлгани бундан яққол далolat беради. Ушбу мулоқот конструктив ва давомий бўлган тақдирда, афғон ихтилофини ечиш тарихида муҳим бурилиш ясаши мумкин. Томонлар ўзok давom этиб келаятган қуролли тўқнашувларни тугатиб, сиёсий музокараларни йилни танлаши унчалик ҳам ҳақиқатдан йироқ туюлмапти”.

Мазкур фикрни қўлаб-қувватлар экан, Туркиянинг “Anadolu” ахборот агентлиги бошланган сиёсий жараённинг асоси сифатида 2018 йил март ойида имзоланган Тошкент декларациясини алоҳида кўрсатиб ўтади. Ҳужжат

Марказий Осиё давлатлари, АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Европа мамлакатлари ҳамда бошқалар томонидан имзоланган эди.

Ўттиз йилдан ортиқ давom этиб келаятган ихтилоф “бир кунда” ҳал бўлмаслиги, можаролар ва қуролли тўқнашувлар, терактлар яна содир бўлишини таҳмин қилган ҳолда,

агентлик “ушбу салбий тенденциялар ўрнини аста-секинлик билан сиёсий мулоқот эгаллашга” ҳишон қилдиради. Зеро, ўзбек дипломатиясининг савй-ҳаракатлари “бошланғич босқич”ни бошлаб берди, музокараларнинг давom этиши ҳамда муваффақиятга эга бўлиши барча томоннинг сиёсий иродасига боғлиқдир.

Яна Америка Қўшма Штатлари оммавий ахборот воситаларига қайтар эканмиз, “Huffington Post” газетасидаги



“Толиблар оsonликча қуролларни ташлашга рози бўлмайди. Аммо мулоқот каналининг йўлга қўйилиши ҳукумат ва толиблар ўртасида барчани қонқитирувчи муросага эришиш учун шарoит яратади”, деган бандни келтириб ўтиш мумкин.

Анвар МИРЗАЕВ
«Халқ сўзи» тайёрлади.

Ўзбек — афғон дўстлигининг яна бир ифодаси

Термиздаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислom Республикасининг давлат идоралари ҳамда хуусий сектор вакиллари ўртасидаги мулоқотнинг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда икки давлат ҳукуматлари аъзолари ва ишбилармон доира вакиллари иштирок этди.

ҲАМКОРЛИК

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов, Ўзбекистон Республикаси ташки савдо вазирини Ж. Ҳўжаев, Сурхондарё вилояти ҳокими Э. Турдимов, Афғонистон Президентининг МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича махсус вакили Мухаммад Шокир Қорғар ва бошқалар қайд этиб ўтганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда Афғонистон Ислom Республикаси Президенти Ашраф Ғани ўртасидаги олий даражадаги учрашувлар икки давлатнинг ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунончи, Ўзбекистон ҳукумати Афғонистон заминнда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзарo манфаатли дўстона муносабатларни кенгайтириш тарафдоридир.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Афғонистондаги вазиятга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратгани ҳам бунинг яққол далолатидир. Жорий йилнинг 26-27 март кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Тинчлик жараёни, ҳавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги халқаро анжуман бу борадаги амалий интилишларга янгила руҳ бахш этди. Пировардида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий, гуманитар, таълим ҳамда бошқа соҳаларда

давлатларарo ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

— Яқинда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган “Очик жануб” халқарo бизнес форумида ҳам афғонистонлик ишбилармонлар катнашиб, бир қатор манфаатли ҳамкорлик шартномаларини имзолашга эришгандилар, — дейди Афғонистон Ислom Республикаси Савдо-саноат палатаси раҳбари Мухаммад Юнус Моҳаммад. — Бу гал ҳам делегациямиз сарф анча кенг. Ўзарo савдо-иқтисодий алоқаларини янада кенгайтириш ниятидамиз. Тадбир доирасида Ўзбекистон ва Афғонистон Ислom Республикаси савдо-саноат палаталари ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми бу борада муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қиладди.

Анжуман доирасида Термиздаги “Карго” логистика марказида саноат махсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда юртимизда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари ўзлари ишлаб чиқараётган озиқ-овқат, қурилиш, енгил саноат, чарм-пойабзал, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда бошқа маҳсулотларни намойиш қилишди.

Тадбир иштирокчилари учун, шунингдек, Сурхондарё вилоятидаги бир қатор ишлаб чиқариш қорхоналари ва шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саяхатлар уюштирилди.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАТО ИШЛАБ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.57 Топширилди — 01.55 1 2 3 4 5 6